
Ўзбекистон тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига раҳбар тайинланди

Мухиддинов Илёсжон Адхамович Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ўзбекистон туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори лавозимига тайинланди.

Илёсжон Мухиддинов 1987 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. 2009 йилда Фарғона политехника институтини иқтисодчи мутахассислиги билан тамомлаган.

2009-2018 йилларда Ўзбекистон тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасида масъул вазифаларда фаолият олиб борган.

2022 йилдан тайинловга қадар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётганди.

2023-09-14 11:08:41